# ТИББИЙ АСБОБЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

"Юнитех интернешнл" қўшма корхонасидаги ўзбек мутахассислари тайёрлаган электрокардиограф миокард инфарктини олдиндан айтиб бериш, бошқа юрак хасталикларини аниқлаш, зўриққан пайтларда юрак қандай ишлашини аниқлаш, тайинланган дорининг қанчалик самара беришини текширишга имконият яратади. Бу Тошкентда очилган тиббий асбоблар ва дори-дармонлар халқаро кўргазмасига қўйилган экспонатлардан биридир. Кўргазмада беш кун давомида жаҳондаги етакчи фирмаларнинг энг янги асбоблари ва технологиялари билан танишиш мумкин.

Кўргазмани республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзтибтехника", республика Мудофаа вазирлиги "Ўзбегим интернешнл" фирмаси билан биргаликда ташкил этган. Кўргазма Ўзбекистондаги энг кекса шифохоналардан бири — марказий ҳарбий госпиталнинг 125 йиллигига бағишланган.

— Кўргазмада 11 мамлакатдан тиббий асбоблар ва тизимларни, шунингдек самарали дори-дармонларни яратиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган 42 фирма иштирок этаётгани республикамиз обрўсини кўрсатиб турибди,— деди "Ўзтибтехника" республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Саидикром Ахроров.

Шу фирмалардан кўпининг, масалан Германиядаги "Сименс", АҚШдаги "Женерал электрик компани", Япониядаги "Тошиба" фирмаларининг маҳсулотлари Ўзбекистонда машҳурдир. Республикамиз бу фирмалар билан кўпдан буён ҳамкорлик қилмоқда.

Европа Иқтисодий ҳамжамияти ҳам Ўзбекистонга 59 миллион ЭКЮ кредит ажратди. Бу маблағ шифохоналаримизни энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, дори-дармон тақчиллигини камайтиришга сарфланади. Ҳозирги кўргазма бу муаммони маълум даражада ҳал этишга хизмат қилади.

Биз учун дори-дармон ишлаб чиқарадиган саноатимизни ривожлантиришга, дори олиш учун машина-ускуналар ва технология келтиришга имкон берадиган, тиббий техникани ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар барпо этишга кўмаклашадиган ҳамкорлик зарур. Шу вақтга қадар бизда тиббиётнинг бу тармоғи ривожланмаган эди. Шу сабабли кўргазмада Ўзбекистондаги тиббий техника ва дори-дармонлар ишлаб чиқараётган корхоналар иштирок этаётгани айниқса қувончлидир.

Кўргазмани очиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов иштирок этди.

**Л. СТРУННИКОВА.**

# БОЛАЛАР КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида "Истиқлол ва болалар адабиёти" мавзуида йиғилиш бўлди. Унда ёзувчи-шоирлар, журналистлар, ноширлар, "Соғлом авлод учун", "Болалар", "Истеъдод", "Маҳалла", "Улуғбек" жамғармаларининг вакиллари қатнашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари болалар учун мазмундор ва сифатли китобларни нашр этиш борасида ўзаро фикр алмашдилар.

Болалар учун ижтимоий буюртма асосида энг яхши асар яратиш бўйича танлов ўтказиш ҳақида қарор қилинди ва "Чўлпон" нашриёти ҳузурида болалар китобларини чоп этишни мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

**(ЎзА)**

*• Маданий меросимиз — бебаҳо бойлик*

# МАФКУРАМИЗ НЕГИЗЛАРИ

***Кейинги пайтларда маҳаллий матбуотда мустақиллик мафкураси ҳақида анча бақувват, кенг мулоҳазали мақолалар пайдо бўлиб қолди. Уларнинг аксариятида истиқлол мафкурасини яратишда ўтмиш меросимиз дурдоналарига мурожаат қилиб, муҳим аҳамият касб этиши ҳақида ҳам гап боради. Айрим мақолаларда мустақиллик мафкураси ёлғиз бир миллат манфаатини эмас, барча миллатлар, элатлар, ижтимоий гуруҳ, партияларнинг бирлик, осойишталик яратувчилик йўлидаги фаолиятини уйғунлаштириш, бир мақсадга йўналтириш, умуминсоний қадриятларни юксалтиришга қаратилган мафкура бўлишлиги алоҳида таъкидланмоқда.***

***Дарҳақиқат, ҳурриятга чиққан, келажаги буюк давлатимиз мафкураси барча миллатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий соҳалардаги бугунги ва ўтмишдаги б нёдкорлик қобилиятларини кенг миқёсда намоён этувчи мафкура бўлиши керак. Зероки, ўтмиш маданиятимизни пухта ўрганишгина бизнинг бугунги мафкурамизни янада тўлиқроқ шакллантиришга имкон яратади. Шу жиҳатдан олганда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида олиб борилаётган бир қатор ишлар маълум даражада эътиборга лойиқдир.***

Маълумки, ўзбек халқининг тарихи, маданияти бошқа шарқ халқлари тарихи маданияти каби жуда бой ва қадимийдир. Бу кўҳна маданият кўп асрлик обидалар, бадиий ижоднинг хилма-хил намуналарини ўзида мужассамлаштирган, мўътабар қўлёзмалар, тош ва териларга ёзилган битикларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Буларда ота-боболаримизнинг маънавий қиёфаси, кундалик турмуш тарзи қардош халқлар билан дўстлик, биродарлик, ришталари ватанга ва халққа бўлган самимий садоқати, тараннум этилган.

Жаҳон маданиятининг энг нодир санъат ва адабиёт асарлари қаторидан ўрин олишга муносиб бўлган ана шу дурдоналар сўнгги йилларда музейимиз мулкига айланди. Халқдан сотиб олинаётган қўлёзма, тошбосма китоблар, хорижий мамлакатларга қилинаётган илмий сафарлар натижасида меросимиз тобора бойиб бормоқда. Булар Улуғбек, Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Гадоий, Навоий, Бобур, Фурқат ва бошқа юзлаб классик шоирларимизнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган бебаҳо китоблар, қўлёзмалардир.

Маънавий бойлигимизни тинимсиз излаш ва тўплаш Европанинг энг бой қўлёзма хазиналари бўлмиш Лондон, Оксфорд, Кембридж, Париж кутубхоналаридаги ўзбек адабиёти, фани ва маданиятига оид энг нодир қўлёзмаларнинг микрофильми ва фотонусхаларини ватанимизга олиб келишда марҳум олим Ҳамид Сулаймон ҳиссаларини алоҳида таъкидлаб, ўтиш жоиздир.

Ҳамид Сулаймон Британия музейида Алишер Навоийнинг ўзи тузган "Бадоил — бидоя", "Девони Фоний" қўлёзмалари, "Бобурнома" нинг Акбар даврида кўчирилиб, 96 ажойиб рангдор миниатюралари билан безатилган нусхаси, "Акбарнома"нинг 34 миниатюралик биринчи томи Низомий "Ҳамса"сининг Навоий даврида кўчирилиб, Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан безатилган икки қўлёзмаси, XV аср ўзбек шоирлари Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Амирий, Яқиний кабилар асарларининг мажмуаси, Убайдий девони каби Шарқ адабиёти ва санъатининг ноёб намуналарининг суратини олдиришга муяссар бўлдилар.

Шу анъаналарни давом эттириб, музей олимлари жаҳон қўлёзма фондлари ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган Шарқ қўлёзма китобларининг Ўрта Осиё халқларига алоқадорларини аниқлаш ва микрофильми, фотонусхасини тўплаш мақсадида Афғонистон, Франция, Англия ва Ҳиндистон мамлакатларига бир неча бор экспедициялар уюштиришди. Натижада Навоийнинг "Девони Фоний", Бадиуз—замон Мирзо учун кўчирилган "ХАМСА" достонларининг безакли нодир нусхаси, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Ахмадий, Амирий, Яқиний, Гадоийнинг тўлик девони, Бобурнинг "Аруз рисоласи" ва Навоий, Бобур, Низомий, Фирдавсий асарларига ишланган нодир миниатюраларининг слайдларини келтириб, ўзбек адабиёти ва санъатини янги санъат намуналарини билан бойитдилар. Айниқса, Ҳиндистон экспедицияси Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларининг узоқ тарихга эга эканлиги яна бир бор тасдиқланди. Музей ходимлари Ҳайдар Хоразмийнинг "Гулшани асрор", Лутфийнинг "Гул ва Наврўз", Дурбекнинг "Юсуф ва Зулайхо", Шоира Зебуннисобегим "Девони", шоир Бадр Чочий "Қасидалар"и, булардан ташқари ўзбек адабиёти тарихида маълум бўлмаган, ўзбек алломаларининг ҳаётига оид бой мероси билан маънавиятимизга улкан ҳисса қўшдилар.

Қувончлиси шуки, мазкур асарлар шу давр мобайнида тадқиқ этилиб, нашр қилинди ва қилинмоқда, улар юзасидан ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Айниқса, истиқлолимиз туфайли қатор китоблар ҳам чоп этилдики, уларни нашр қилиш турғунлик йилларида мушкул эди. Шулар жумласига Хожа Ахрорнинг "Рисолайи волидийййа", Бобурнинг "Мубаййин" рисоласи таркибига кирувчи "Эътиқодия", "Китобуссалот". "Китобул—ҳаж" асарлари, Ҳувайдонинг "Роҳати дил" достонларининг нашрларини мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур асарларнинг ватанимизда ва хорижда сақланаётган қўлёзмалари нусхалари музейнинг янгитдан яратилган Бобур ҳаёти ва ижоди залида намойиш қилинмоқда.

Ҳозирги кунда музей бой ўзбек адабиётининг қадимги давридан шу кунгача бўлган тарихини ёритувчи экспозициялар устида қизғин иш олиб бормоқда.

Маънавий меросимизни чуқур ўрганиш борасида ҳали тинмай изланишимиз керак бўлади. Ҳозирча ўзбек халқининг чет элларидаги бой меросининг бир қисминигина қўлга киритдик, холос. Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Афғонистон ва бошқа чет эл хазиналарида сақланаётган катта қисмини ватанимизга келтирмоқ, ҳали топилмаган қўлёзмаларни эса фаоллик билан изламоқ биз олимларнинг бирламчи вазифамиздир. Зероки, мустақиллик мафкураси яратилаётган бугунги кунда, ўтмишимиздаги маънавий бойлигимиз замини ўта қадимлардаёқ бунёд этилганлигининг тимсоли сифатида бу нодир хазиналар ўзгача маъно ва аҳамият касб этади.

**Саидбек ҲАСАНОВ,**
**Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи раҳбари.**

# "ҚАНЧА ЭЪЗОЗЛАСАК ҲАМ КАМ"

***Ўзбекистон металлургия заводида ҳозирги қийин иқтисодий вазиятга қарамай ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари сусаймаяпти. Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Мирзамурод БОЙМУРОДОВ билан суҳбатимиз ҳам жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида бўлди.***

— Бозор муносабатлари ўзининг кўпдан-кўп муаммолари билан халқ хўжалигининг барча тармоқларига, шу жумладан, саноатга кириб келаётган ҳозирги шароитда меҳнаткашларни ихтимоий муҳофаза қилишнинг ниҳоятда муҳимлигини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, — деди М. Боймуродов. — У ҳаммага тушунарли ва аён. Ижтимоий ҳаётда ишлаб чиқаришда шу вақтгача бошдан кечирилмаган муносабатлар таркиб топмоқда. Уларга кўникиш, энг маъқул йўлни қидириб топиш жуда-жуда мушкул бўлмоқда. Даврни ҳисобга олиб, жамоамиз корхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантириш режасини тузмоқда. Йирик замонавий заводнинг мулк шаклини бундай ўзгартиришнинг ўзи бўлмайди, кўпдан-кўп муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади.

## *Ижтимоий муҳофаза — давр талаби*

Айни вақтда жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш, уни кучайтириш имкониятларидан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланиш зарур. Очиғини айтганда, у асосан корхона ишлаб чиқаришининг даражасига, жамоа меҳнати натижасига боғлиқ. У қанча самарали бўлса ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишни шунчалик кучайтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда даромадга қараб буромаддир.

Корхонамиз технологияси металл парчалари асосида ишлашга ихтисослашганлиги ҳаммага маълум. Илгари бундай маҳсулот собиқ иттифоқнинг кўпгина шаҳарларидан ҳам келтириларди. Ҳозирги вақтда асосан республикамизда тўплангани билан ишлаяпмиз. Бу эҳтиёжимизни қоплай олмаяпти. Лекин, шуни ҳам мамнуният билан қайд қилиш керакки, республикамиздаги кўпгина шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари металл парчаларини тўплаб ва етказиб бериш бўйича белгиланган режаларни муваффақиятли уддаламоқдалар. Бироқ ҳамма жойда ҳам шундай бўлмаяпти. Ваҳоланки, улар учун зарур бўлган турли хил прокатлар, қувурлар, бинокорлик арматураларини етказиб беришда бундай хом ашёнинг жўнатилиши ҳисобга олинади. Қанча кўп юборишса шунча мўл металл прокати оладилар.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хорижий харидорлари ҳам кўпаяётганлигини қайд қилиш лозим. Ҳозирги вақтда жамоамиз қўлидан чиқаётган бундай маҳсулотлар АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Кипр, Япония давлатларига етказиб берилмоқда. Бунинг эвазига технологик асбоб-ускуналарни такомиллаштириш, янги машина-механизмлар сотиб олишимиз мумкин бўлмоқда.

Кейинги вақтда мавжуд имкониятларни ҳамда таркиб топган шароитни ҳисобга олиб корхонамизда янги даромад манбаи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кенгайиб бормоқда. Масалан, биргина сирланган идишлар цехида юзга яқин маҳсулот турлари тайёрланмоқда. Яқин кунларда яна бир янги ишлаб чиқариш барпо этилади. Бу ерда 1—3 литр сиғимли шиша идишларни тайёрлаш ўзлаштирилади. Умуман, кейинги вақтларда бевосита аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қиладиган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Мих цехи маҳсулот бера бошлади. Электр билан пўлат эритиш цехида иситиш батареялари тайёрланмоқда. Айни вақтда стол-ўриндиқлар, болалар караватлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга юборилмоқда. Бундай маҳсулотлар турини янада кенгайтириш режаларимиз бор.

Ана шуларнинг ҳаммаси олинаётган даромад ҳажмининг кўпайишига, демак, жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш учун анчагина миқдорда маблағ ажратишга олиб келмоқда. Ҳозирги вақтда шу мақсадда турли тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, ишчиларнинг бепул овқатланишлари йўлга қўйилди. Бунинг учун ҳар куни талон берилади. Агар уни пулга чақадиган бўлсак, бир неча юз сўмни ташкил этади. Тунги сменада ишловчиларни рағбатлантириш ҳам эсдан чиқарилмаяпти. Бунинг учун қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Турли байрамлар ва маросимлар муносабати билан жамоа аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириш анъана бўлиб қолган. Масалан, Наврўз байрами муносабати билан 330 дан зиёд кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Республикамизнинг мустақиллик куни, корхонамизнинг ярим асрлик тўйи муносабати билан ҳам шундай тадбирлар амалга оширилди.

Металлургларнинг ишдан сўнгги бўш вақтлари самарали ўтиши учун қулай шароитлар яратиб берилган. Корхонанинг Мухамедов номидаги маданият саройи ишчи-хизматчиларнинг севимли ҳордиқ чиқарадиган масканига айланган. Бу ерда 42 мингдан ошиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона металлурглар қатори барча шаҳар меҳнаткашларининг ҳам хизматида. Бундан ташқари, ўнлаб тўгараклар ташкил этилган. "Шодиёна" халқ фольклор дастаси, болаларнинг "Парвоз" намунали рақс дастаси, доирачилар, рус драма ба бошқа шу каби тўгараклар мунтазам ишлаб турипти. Унда юзлаб металлурглар ва уларнинг оила аъзолари қатнашмоқдалар.

Корхонамизнинг "Металлург" деб номланган каттагина ўйингоҳи ҳам бор. Уни доим яхши ҳолда сақлаш, турли спорт тўгаракларини кўпайтириш касаба уюшмаси қўмитасининг доимий эътибори марказида турипти. Ҳозирги вақтда келиб бу ўйингоҳдаги турли-туман спорт тўгаракларига мингдан ортиқ металлург ва бошқа касб эгаси бўлган меҳнаткашлар жалб қилинган. Футбол, самбо, сузиш, волейбол, дзюдо, гимнастика ва бошқа шу каби тўгаракларга қатнашиш истагини билдирувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Корхонамиз спортчилари орасидан жаҳон чемпионлари ҳам етишиб чиққан. Жумладан, Радик Ким самбо бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлган ҳамкасбимиздир. Ориф Маъмуров эса жаҳон кубогининг бронза медали совриндори. Спортчиларимизнинг кўпчилиги республика ва вилоят миқёсида ўтказилаётган турли мусобақа ва беллашувларда муваффақиятли қатнашмоқда.

Сирдарёнинг хушманзарали ерига жойлашган "Фарҳод" дам олиш уйида металлурглар ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар. Бу ерда бир йўла 240 киши ҳордиқ чиқариб даволаниши мумкин. Айни вақтда республикамизнинг турли ҳудудларидаги бошқа шифобахш масканларга имтиёзли шартлар билан ва пулсиз йўлланмалар беришни ҳам унутаётганимиз йўқ. Шу йилнинг ўтган ойларида ўнлаб металлургларимиз ўзларининг меҳнат таътилларини шундай масканларда ўтказдилар. Бизда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари масаласи тўла ҳал қилинган. Ҳозирги вақтга келиб 13 та шундай муассаса ишлаб турипти. Улар ишчи-хизматчиларимизнинг юзлаб жажжи фарзандларини ўз бағрига олган.

**Суҳбатдош Н. РАФИҚОВ.**

***Металлурглик касби ниҳоятда машаққатли ва шарафлидир. Бу ҳунар эгалари республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодиётини ривожлантиришга озму-кўпми ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Уларнинг қадоқ қўллари ва ақл-заковатлари билан ишлаб чиқарилаётган турли хил маҳсулотлар халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун керакли. Шундай фидокорларни ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олсак ҳам камлик қилади. Шунинг учун корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш ишини янада яхшилаш йўлидаги тадбирларни амалга оширишни бундан буён ҳам тўхтовсиз давом эттирадилар.***

*ДОЛЗАРБ МАВЗУ*

# ҚИШГА ТАЙЁРМИ?

Оҳангарон шаҳри аҳолиси қиш мавсумида қийналиб келарди. Айниқса 4-даҳада аҳвол жуда мураккаб эди. Бу ҳол аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўларди. Шаҳардаги иккита — марказий ва қўшимча Қозонхонада жиҳозлар хизмат муддатини ўтаб бўлган. Мавжуд аҳволни ўнглаш, шаҳарни қишга тайёрлаб беришда шаҳар ҳокимлигининг эрта баҳордан ишга киришгани яхши самара берди. Корхона ва ташкилотлар, хусусан, "Оҳангаронцемент" ишлаб чиқариш бирлашмаси кўмагида қозонхонадаги жиҳозлар бутунлай янгиланди, иссиқлик тармоқлари таъмирдан чиқарилди. Бунда кўп асрлар давомида синовдан ўтган ҳашар усули қўл келди.

— Мавсумда уйлар тўлиқ исийди,— дейди шаҳар ҳокими А. Расулов.— Биз барча имкониятларни ишга солиб, ниҳоят, шунга эришдик.

Дарҳақиқат, шаҳарда нафақат турар-жой масканлари, балки корхона ва ташкилотлар, муассасалар ҳам қишки мавсумга тайёрлаб қўйилди. Йил бошида ишлаб чиқилган ўн беш банддан иборат кенг кўламли тадбир деярли бажарилди. Яқинда бу ерда бўлган республика коммунал хўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги раҳбар-мутахассисларидан иборат комиссия аъзоларининг ҳам амалга оширилган ишлар ва мавсумга тайёргарликдан кўнгли тўлди.

Лекин шаҳарда мавсумга сабзавот ва мева заҳираси тўплаш ишлари кўнгилдагидай эмас. Шу кунгача режадаги 950 тонна ўрнига 153 тонна картошка, 1430 тонна ўрнига 54 тонна сабзавот, шунингдек, 40 тонна мева, 10 тонна узум, шунча миқдорда полиз маҳсулотлари тайёрланди, холос. Шаҳар туман марказида жойлашган. Аммо, савдо идоралари сабзавотчилик асосий тармоқ ҳисобланган шу туман хўжаликларидан эмас, балки қўшни вилоятдан маҳсулот излаш билан овора. Шундоқ шаҳар ёнидаги хўжаликларда етиштирилаётган маҳсулотлар нарҳи уларга тўғри келмас эмиш.

Оҳангарон шаҳри ва тумани ҳокимликлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган эди. Ўйлаймизки, унда кўзда тутилган тадбирлар қоғозда қолиб кетмайди.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МУРУВВАТ — МЕҲРИБОНЛИК РАМЗИ

Тошкентда "Ижтимоиятнинг энг яхши ходими" Республика кўрик-танлови бўлди. Уни Республика ижтимоий таъминот вазирлиги ташкил этди.

Икки кун давом этган беллашувда боқувчисини йўқотган, ёлғиз ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш ишларига баҳо берилди. Бу савобли ишда меҳрибонлик, ширинсуханлик ва ғамхўрлигини намоён этган жиззахлик Ратҳа Тоғаева йилнинг энг яхши ходимаси деган номга муяссар бўлди.

Ғолибларга Ўзбекистон Республикси ижтимоий таъминот вазирлиги, Қизил Яримой жамияти, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармаларининг мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.

**Анвар ХУДОЙҚУЛОВ**

# СИЙЛАГАН ЕРИДА АЗИЗДИР ИНСОН



ОЛИЙ маълумотли мутахассис Аҳмаджон Ҳамиджонов Ўртачирчиқ тумани электр тармоқлари корхонасига йўлланма билан келганида монтер бўлиб ишлади. Раҳбарларнинг сўзини икки қилмай, сим тортди, симёғочга чуқур ковлади. Елкасига зарур асбоб-анжомларни ортиб, саратонда ҳам, қиш чилласида ҳам кўчама-кўча, қишлоқма-қишлоқ кезиб юраверди. Зуваласи пишиқ, зеҳни ўткир бўлганидан ўргатганларини тез уқиб олаверди. Кейинчалик диспетчер, бора-бора участка бошлиғи ва ниҳоят уста-мастер бўлди. "Пастдан" чиққан, ишда пишиган муҳандисни 1984 йилда Ўртачирчиқ электр тармоқлари корхонаси бошлиғи лавозимига кўтаришди.

...Кўпни кўрган одамлар раҳбарлик эртанги кунни кўра билишдир, дейдилар. Мана ҳозир куз, аммо, Аҳмаджоннинг хаёлига қиш-қировли кунлар келади. Қишга тайёргарлик кўриш керак, жаъми иншоотлар, кичик станциялар, симлар шай бўлиб туриши лозим. "Ёз ёпинчиғингни қўйма, қиш чилласида ўзинг биласан!". Хуллас, тармоқ жамоаси таъмирлаш ташвиши билан яшамоқда. Қор тушганида қишлоқ хонадонларида ҳам, тумандаги саноат корхоналарида, жамоа хўжаликларида ҳам чироқ ўчиб қолмасин.

Тармоқда юз нафар одам ишлайди. Бу дегани юз хил феъл-атвор. Уларга иш топшириш ва ишни талаб қилиб олиш, яъни ижрони текшириш даркор. Аҳмаджон бунинг ҳам уддасидан чиқмоқда. Чунки шунча йил давомида тажриба ҳам тўпланган. Уни Тошкентга, юқори идоралардаги катта лавозимларда ишлашга таклиф қилишди. Бормади.

Хўш, нега бормади, дерсиз. Аҳмаджонниинг муштипар онаси Тўйтепада яшайди. Қариндош-уруғ, дўсту-ёри ҳам шу ерда. Туманда уни танимайдиган, иззат-икром қилмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Демак, шоир айтмоқчи, сийлаган ерида азиздир инсон.

**А. КЎҲАКИЙ**

**СУРАТДА: А. Ҳамиджонов (ўнгда) уста Ҳ. Қорабоев билан навбатдаги ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**И. МОИСЕЕВ** суратга олган.

### ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели албатта бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

### АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ—Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Биринчи бетга қаралсин.

*О Б У Н А - 9 5*

# "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

**Барча алоқа бўлимларида "Тошкент ҳақиқати" газетасига чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинмоқда.**

**Обуна баҳоси:**

**БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ**
**ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ**

**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА:**

*Энг арзон идоравий нашр —"Тошкент ҳақиқати"дир. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар учун ҳам обуна баҳоси юқоридаги нархдадир. Обуна мавсумида фаоллик кўрсатаётган ташкилотчилар, алоқа бўлимлари, обуна қилиш пунктлари ходимлари ҳамда алоҳида фуқаролар эсдалик совғалари билан мукофотланадилар. Совғалар обуна мавсуми ниҳоясига етгач, ғолибларга топширилади.*

**"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" нашр кўрсаткичи — 64672.**

**ҚАДРДОН ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

